ОКТЯБРЬ БАЙРОҒИ — ЗАФАР БАЙРОҒИ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

8 ноябрь 1973 йил, пайшанба ◆ № 264 (15.738). ◆ Баҳоси 2 тийин.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг эллик олти йиллик шонли байрами Коммунистик партия ҳамда совет халқининг монолит бирлиги ва Ватанимиздаги барча эл-элатларнинг бузилмас қардошлигининг ёрқин намойишига айланди.



МОСКВА. 1973 йил 7 ноябрь. Қизил майдон. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 56 йиллигининг байрам қилиниши. В. И. Ленин Мавзолейи минбарида. (ТАСС телефотоси).

ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН — КОММУНИЗМ САРИ

ҚИЗИЛ МАЙДОНДА ҲАРБИЙ ПАРАД ВА МЕҲНАТКАШЛАР НАМОЙИШИ

Ватанимиз халқлари ўзларининг энг катта, энг порлоқ байрамини — Ленин барпо этган дунёда биринчи социалистик давлатнинг туғилган кунини кутиб олдилар. Совет кишилари ўзлари қувонса, фахрланса арзийдиган ишлар қилди. Октябрнинг 56 йиллиги совет халқининг КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга оширишдаги, беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йили планини бажариш учун курашдаги янги-янги ютуқлари билан нишонланди. 1973 йилда мамлакат саноат ишлаб чиқаришини 5,8 процент миқдорида ўстириш белгиланган бўлса, ўтган ойлар мобайнида 7,4 процент ўсди. Рекорд миқдорда ҳосил етиштирилди, ялпи дон ҳосили 215 миллион тоннадан ошиб кетди.

Октябрнинг 56 йиллигида КПСС, Совет давлатининг ленинча тинчликсевар сиёсати янги ғалабалар қозонди. Партиянинг ички ва ташқи сиёсатини, съезд қабул қилган Тинчлик программасини сабот ва изчиллик билан амалга ошираётган ленинчи Марказий Комитет ва унинг Сиёсий бюросининг фаолиятини халқимиз яқдиллик билан қизғин маъқулламоқда ва қўллаб-қувватламоқда.

Тинчликсевар кучларнинг яқинда тамом бўлган жаҳон конгресси Москвада — тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилишни инсоният тарихида биринчи марта ўзининг энг асосий вазифаларидан бири қилиб қўйган давлатнинг пойтахтида ўтказилганлиги ғоят рамзий воқеа бўлди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофотининг лауреати ўртоқ Л. И. Брежнев тинчликсевар кучларнинг жаҳон конгрессида сўзлаган нутқида бу ҳақда батафсил гапирди, қуйидагиларни айтди:

«Халқларга тинчлик! — мамлакатимиз меҳнаткашлари бундан эллик олти йил муқаддам, биринчи жаҳон уруши қизиб турган бир пайтда асосий шиорлардан бўлган мана шу шиор остида Октябрь революциясини амалга оширдилар. В. И. Ленин қўли билан ёзилган «Сулҳ тўғрисида декрет» эса жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг қонун кучига эга бўлган дастлабки ҳужжати бўлди.

Мана шу тарихий ҳужжатда Совет Россиясининг ишчи-деҳқон-лар ҳукумати барча мамлакатларнинг ҳукуматларигагина эмас, шу билан бирга халқларига ҳам мурожаат қилиб, давлатимиз одилона демократик сулҳга астойдил интилаётганлигини ифодалади... Улуғ Октябрдан кейин ўтган йилларнинг ҳаммасида биз планетамизда ҳудди мана шундай сулҳ ва тинчликнинг тантана қилиши учун огишмай, изчиллик билан курашиб келдик ва курашмоқдамиз».

Октябрь ва тинчлик — одамлар онгида бир-биридан ажралмас тушунчалар бўлиб қолди. Ҳамиша бўлганидек, бугун ҳам, мана шу **байрам кунида ҳам бутун планета**лари бу йил рекорд миқдорда ҳосил етиштирдилар, меҳнаткашлар турмушининг фаровонлиги муттасил ошмоқда. Совет жамиятининг ички аҳиллиги. 250 миллионлик халқимизнинг Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига жипслашганлиги мустаҳкамланиб бормоқда.

Қардош социалистик мамлакатлар социализм қуриш йўлидан комил ишонч билан олга бормоқдалар. Марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принциплари асосидаги ҳар томонлама ҳамкорлигимиз ва қардошларча ўзаро ёрдамимиз янада ривож топмоқда.

СССРнинг иқтисодий ва мудофаа қудрати, унинг халқаро таъсири ўсганлиги, Совет давлатининг ва бутун социалистик ҳамдўстликнинг актив ташқи сиёсати туфайли халқаро кескинликни юмшатишда муваффақиятларга эришилди. Турли социал тузумдаги давлатлар билан тинч-тотув яшашдан иборат ленинча принциплар тобора кенг эътироф қилинмоқда. Европа қитъасида муҳим ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Умумевропа кенгаши бу ўзгаришларнинг лўнда ифодасидир. Вьетнамдаги уруш тўхтатилганлиги жаҳоншумул аҳамиятга эга воқеа бўлди.

Ленинча ташқи сиёсат, КПСС XXIV съезди таклиф қилган Тинчлик программаси катта ва кичик ҳамма давлатларнинг ҳаётий манфаатларига мос келади, совет кишилари, социализм мамлакатларининг халқлари, дунёдаги тараққийпарвар кучлар бу сиёсат ва программани қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Бироқ, партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежнев тинчликсевар кучларнинг жаҳон конгрессида сўзлаган нутқида таъкидлаб ўтганидек, тинчликни мустаҳкамлаш йўлида янада олға бориш учун ҳали кўп куч-ғайрат сарфлаш лозим. Совет Иттифоқи бундай қилишга тайёр.

Шу билан бирга дунёда кескинликни юмшатишга қаршилик қилаётган, қуролланиш пойгасини кучайтираётган, «совуқ уруш» руҳини қайта тиклашга уринаётган реакцион империалистик кучлар борлигини ва улар актив ҳаракат қилаётганлигини эсдан чиқаришга ҳаққимиз йўқ. Улар ўз озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилаётган халқларга қарши куч ишлатишдан тап тортмаётирлар. Чилидаги воқеалар бунинг далилидир. Бу ердаги ҳарбий ҳунта мамлакатда реакцион тўнтариш қилиб, демократик кучлардан қонли ўч олишни давом эттирмоқда. Совет кишилари мана шу бебошлик ва жабр-зулм ҳаракатларини ғазаб билан қоралайдилар.

Ташқаридаги империалистик кучлар рағбатлантириб турган Исроилнинг экспансиячилик сиёсати натижасида Яқин Шарқда уруш ҳаракатлари келиб чиқди. Бу ҳаракатлар ана шу райондаги аҳволнинг хатарли характерини бутун дунёга кўрсатди.

Совет давлати доимо араб халқларининг одилона ишини қўллаб-қувватлаб келди ва қўллаб-қувватламоқда, Яқин Шарқдаги ҳамма давлатларнинг тинчлиги, хавфсизлиги ва давлат чегаралари пухта гарантияланиши учун, планетамизнинг шу районида ҳам ҳарбий кескинлик манбаи тугатилиши учун бутун куч-ғайратини сарфламоқда.

Империализм реакцион, агрессив доираларининг кирдикорлари, ана шу доираларнинг айби билан келиб чиқаётган уруш ҳаракатлари ва қуролланиш пойгаси тўхтовсиз давом этаётганлиги бундан буён ҳам ниҳоятда даражада сергак бўлиб туриш, Совет давлатининг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш зарурлигини совет кишиларига яна бир карра эслатади.

Ўртоқлар!

Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти халқимизнинг тинч буюк ишларини ишончли равишда қўриқлаб жанговар навбатчиликда ҳушёр турибдилар, доимий юксак жанговар тайёр ҳолда турибдилар. Қуролли Кучларнинг жангчилари янги қурол-яроғ ва техникани қунт билан ўрганиб олмоқдалар. Қуруқликдаги, осмондаги ва денгиздаги жанговар маҳоратни такомиллаштирмоқдалар, ўз халқига садоқатли, Ленин партияси теварагига маҳкам жипслашган жангчиларимиз Ватанимизни ҳимоя қилиш соҳасидаги ўзларининг муқаддас бурчларини бажаришга ҳамда қардош социалистик армияларнинг жангчилари билан биргаликда социализмнинг буюк ғалабаларини қаттиқ туриб қўриқлашга ҳамиша тайёрдирлар.

Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг эллик олти йиллиги!

Яшасин улуғ совет халқи ва унинг шонли Қуролли Кучлари!

Халқимизни Ленин йўлидан бошлаб бораётган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

Уч қарта айтилган «Ура!» садолари майдон узра акс-садолар бериб янграйди. Артиллерия салюти гумбурлайди. Ингма ҳарбий оркестр Совет Иттифоқи гимнини чалади.

Тарих музейи томонидан барабанларнинг бир текис овози эшитилади. Ҳамиша бўлганидек ёш барабанчилар — Москва ҳарбий музика мактабининг талабалари қўшинлар парадини бошлаб беради.

М. В. Фрунзе номидагиЛенин орденли, Қизил Байроқ орденли, Суворов орденли ҳарбий академия тингловчилари бир текис саф тортиб ўтадилар. Орденларнинг лентолари тақилган, шуҳратга тўлғалган ҳарбий байроқ олдинда кўтариб борилади. Қисмлар ва қўшилмаларнинг бўлажак командирлари юксак билимли, техникавий саводли, ўз халқига ва Коммунистик партиясига чексиз садоқатли офицерлар ўтиб боришмоқда.

В. И. Ленин номидаги Ленин ва Октябрь революцияси орденли, Қизил Байроқ орденли ҳарбий-сиёсий академиянинг колонналари мавзолей ёнига яқинлашиб келади. Бу академия — совет Қуролли Кучлари сиёсий ходимларининг юксак малакали кадрларини тайёрлаб берувчи мамлакатнинг энг кекса билим масканидир.

Ф. Э. Дзержинский номидаги Ленин орденли, Октябрь революцияси ва Суворов орденли ҳарбий инженерлик академиянинг, Совет Иттифоқи маршали Р. Я. Малиновский номидаги Ленин орденли, Қизил Байроқ орденли бронетанк қўшинлари ҳарбий академиясининг, Ю. А. Гагарин номидаги Қизил Байроқ орденли, Кутузов орденли ҳарбий-ҳаво академиясининг ва бошқа ҳарбий академияларнинг тингловчилари ўтишади.

(Охири иккинчи бетда).

Ўртоқ А. А. ГРЕЧКО нутқи

Совет Қуролли Кучларининг жангчилари, ўртоқлар!

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари!

Ҳурматли чет эллик меҳмонларимиз!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети билан Совет ҳукумати номидан ва уларнинг топшириғига биноан сизларни умумхалқ байрами — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг эллик олти йиллиги билан табриклайман ва қутлайман.

Мамлакатимиз бу байрамни совет халқининг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати жўш урган, КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш беш йилликнинг учинчи ҳал қилувчи йилини муваффақиятли равишда тугаллаш учун фидокорона курашаётган вазиятда нишонламоқда.

Ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар, совет зиёлилари Коммунистик партия раҳбарлигида социалистик экономиканы, фан ва маданиятни янада юксалтириш учун қунт билан курашмоқдалар. Умумхалқ мусобақаси натижасида саноат маҳсулотини ачча кўпайтиришга эришилди, қишлоқ меҳнаткашлари бу йил ғалла ҳосилини мўл қилиб етиштирдилар. Халқ хўжалигининг барча тармоқларида меҳнат унумдорлиги ошди. Ҳаммамиз учун қувонарли ва ғурурланарли бўлган ана шу ютуқлар Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини, съезд қабул қилган Тинчлик программасини сабот ва изчиллик билан амалга ошираётган ленинчи Марказий Комитет ва унинг Сиёсий бюросининг фаолиятини халқимиз яқдиллик билан қизғин маъқуллаётганлигининг ёрқин ифодасидир.

Ҳаммамиз учун қувонарли ва ғурурланарли бўлган ана шу ютуқлар Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини, съезд қабул қилган Тинчлик программасини сабот ва изчиллик билан амалга ошираётган ленинчи Марказий Комитет ва унинг Сиёсий бюросининг фаолиятини халқимиз яқдиллик билан қизғин маъқуллаётганлигининг ёрқин ифодасидир.

Кремль қурантининг стрелкалари соат ўнга яқинлашади. Майдон узра қудратли олқишлар: қасқалар янграйди, «Ура» садолари эшитилади. «КПССга шон-шарафлар!», «Коммунистик партиянинг ленинча Марказий Комитетига шон-шарафлар! Шон-шарафлар! Шон-шарафлар!» хитоблари айтилади. Москваликлар ва пойтахт меҳмонлари партия билан ҳукумат раҳбарларини мана шундай самимий кутиб оладилар.

Мавзолейнинг марказий минбарига **Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, В. И. Долгих, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев,** ўртоқлар чиқадилар.

Мавзолейнинг ўнг қанотида Совет Иттифоқи маршаллари, қўшин турларининг маршаллари, Совет Армияси билан Ҳарбий-Денгиз Флотининг генераллари ва адмираллари турибдилар.

Эрталаб соат ўн. Парадни қабул қилувчи, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Мудофаа министри, Совет Иттифоқи маршали А. А. Гречко очиқ машинада Спасск минораси дарвозасидан чиқиб келади. Парад қўмондони тушган машина тарих музейи томонидан унга пешвоз чиқади. Майдон марказида, Мавзолей рўпарасида Ленин орденли Москва ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник В. Л. Говоров мудофаа министрига рапорт беради. Министр унинг рапортини қабул қилиб, қўшинларнинг сафларини айланиб чиқади, парад қатнашчиларини байрам билан табриклайди. Унга жавобан қудратли «Ура!» садолари янграйди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Мудофаа министри А. А. Гречко мавзолей минбарига чиқиб нутқ сўзлайди.

КРЕМЛДАГИ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА БАЙРАМ ҚАБУЛ МАРОСИМИ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 56 йиллиги муносабати билан 7 ноябрда қабул маросими ўтказди.

Кремлдаги Съездлар саройида ўтказилган қабул маросимида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзолари, партия ветеранлари, СССР ва РСФСР Олий Советларининг депутатлари, министрлар, Давлат комитетларининг раислари, Совет Иттифоқи Маршаллари ва қўшин турларининг маршаллари, генераллар ва адмираллар, марказий идоралар ва муассасаларнинг раҳбарлари, СССРнинг космонавт учувчилари, саноат ва қишлоқ хўжалиги илғорлари, фан ва маданият арбоблари, совет жамоатчилиги вакиллари, Қизил майдондаги ҳарбий парад қатнашчилари иштирок этдилар.

Қабул маросимида байрамда қатнашмоқ учун Москвага келган чет эллик меҳмонлар, тинчликсевар кучлар Жаҳон конгрессининг иштирокчилари ҳам ҳозир бўлдилар.

Залда СССРдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ҳам бор эди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев қабул маросимида нутқ сўзлади.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз ўртоқлар ва дўстлар!

Азиз москваликлар!

Чет давлатларнинг муҳтарам вакиллари!

Азиз меҳмонлар!

Бугун Ватанимиз халқлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 56 йиллигини тантанали равишда нишонламоқдалар.

Биз бу байрам интернационал байрам, барча меҳнат аҳлининг чинакам байрами бўлиб қолганлиги билан фахрланамиз. Улуғ Октябрь ғоялари, йўлбошчимиз ва устозимиз В. И. Ленининг таълимоти бутун планетамиз меҳнаткашларининг дилига яқин ва тушунарлидир. Улуғ Октябрь халқ оммасининг қудратли кучини ўйғотди, омма олдида янги тарихий ўзгаришларни очиб берди.

Бугун қардош социалистик мамлакатларнинг халқлари Улуғ Октябрнинг йиллигини биз билан бирга кенг кўламда нишонламоқдалар.

Октябрь революциясининг тўлқини мустамлакачилик занжирларини парчалаб ташлашга ёрдам берди. Бинобарин, империалистик зулмдан халос бўлган халқлар бугун Октябрь Ватанига қизғин меҳр-муҳаббат туйғулари билан қараётганликлари мутлақо тушунарлидир.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси бошлаб берган ишнинг жаҳоншумул тарихий прогрессив маъноси ва барқарорлиги ҳозир ҳар қачонгидан ҳам равшандир.

Шу куни Ватанимизнинг шаҳар ва қишлоқларида ишчилар, колхозчилар, халқ зиёлилари, миллион-миллион совет кишилари Октябрнинг Ленин партиясининг революцион идеалларига, марксизм-ленинизмга содиқ эканликларини намойиш қилмоқдалар.

Совет халқи Октябрь революциясининг 56 йиллигини меҳнатдаги шонли ишлар билан нишонлади. Унинг меҳнатдаги жасоратларида кўп нарса — партиянинг принципиал, ижодий, изчил ленинча йўли, унинг оммага завқ-шавқ бахш этиш маҳорати, социалистик революциянинг мисли сиз кўлами, ижтимоий бурчни англашнинг юксак туйғуси, жамиятимизнинг сиёсий бирлиги, Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас дўстлиги ўз ифодасини топди. Гарчи тарих бизга осон ғалабаларни инъом этмаётган бўлса ҳам, биз дадил олға бормоқдамиз. Шу боисдан ҳам бугунги муваффақиятларимизни айниқса қадрлаймиз.

Ана шу тантанали кунда партиямиз Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан ишчиларга ва қишлоқ ходимларига, меҳнаткаш зиёлиларимизга, ёшларимизга ва бутун совет халқига уларнинг меҳнати учун, уларнинг мададкорлиги учун, ленинча партиямиз ва унинг Марказий Комитети қарорларини амалга ошириш йўлида кўрашаётганликлари учун миннатдорчилигимизни изҳор этмоқчи ижозат берғайсиз. **[Давомли қарсаклар].**

Бугун Совет Армияси ва Флотининг — замонанинг энг илғор идеалларини ҳам, энг илғор ҳарбий техникани ҳам ўзига қурол қилиб олган армиянинг жангчилари ҳарбий параддан темирдек саф бўлиб ўтдилар. **[Қарсаклар].** Революцион пролетариат жанговар анъаналарининг давомчилари, пролетар интернационализми принципларига содиқ бўлган совет жангчилари Ватанимиз чегараларини, социализм, меҳнат, озодлик ва тинчлик ишини маҳкам туриб қўриқламоқдалар. **[Давомли қарсаклар].** Биз дунёда биринчи Социалистик давлат асосчиси В. И. Ленининг революция ишини, ишчилар синфининг ишини ҳимоя қилиш зарурлиги ва бу соҳадаги маҳорат тўғрисидаги васиятини муқаддас билиб эслаймиз. **[Давомли қарсаклар].**

Азиз ўртоқлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан сизларни Улуғ Октябрь социалистик революцияси байрами билан қизғин табриклашга ижозат берғайсизлар! **[Гулдурос, давомли қарсаклар].**

Улуғ Октябрнинг 56 йиллиги учун, совет халқини социал тараққиёт йўлидан, коммунизм ғалабаси сари аниқ мақсадни кўзлаб бошлаб бораётган ленинчи партиямиз учун қадаҳ кўтаришни таклиф этишга ижозат берғайсиз! **[Гулдурос, давомли қарсаклар].**

* * *

Совет кишиларининг сиҳат-саломатлиги, муваффақиятлари ва бахт-саодати учун! **[Гулдурос, давомли қарсаклар].**

Қабул маросими самимият ва сидқидиллик вазиятида ўтди. Маросим қатнашчилари учун байрам концерти қўйиб берилди.

(ТАСС).

ПАРТИЯ ВА ХАЛҚ БИРЛИГИ ЕНГИЛМАСДИР



ТОШКЕНТ. 1973 йил 7 ноябрь. Ленин номли майдонда меҳнаткашларнинг байрам намойиши.

ОКТЯБРГА МЕҲНАТ САЛЮТИ

Тошкентда ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши

Октябрь байрами ўзбек диёрига алоҳида ёркин тароват билан келди. Саноат корхоналари цехларида ва қурилишларда, колхозлар ва совхозларнинг далаларида янграган меҳнат рапортлари байрамнинг ажойиб тароналарига бўлди. Деҳқонларнинг олтин қўллари, республикадаги барча меҳнаткашларнинг куч-ғайратлари билан етиштирилган тоғ-тоғ «оқ олтин» ғарамлари байрамнинг энг яхши безаги бўлди.

Байрам юришни иштирокчиларининг кўп минг кишилик колонналарини эрталабдан ёз кунидек иссиқ ва ёруғ нурларини сочиб турган қуёш нурларида ялтираётган Тошкент кўчалари камалагининг барча рангида товлана бошлади. В. И. Ленин номли майдон бу кун ҳам ҳамиша бўлганидек улуғвор эди. Майдоннинг атрофидаги биноларнинг пештоқларида Октябрь туфайли вужудга келган тенг ҳуқуқли совет республикалари қудратли иттифоқини, халқларнинг ленинча бузилмас дўстлигини шарафловчи транспарантлар билан панноплар, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоларининг портретлари кўзга ташланади. КПСС Марказий Комитети Октябрь Чақириқларининг сўзлари товланиб турибди. Министрлар Совети биносининг устида Ўзбекистон ССРнинг Давлат байроғи хилпирамоқда. Республика сазовор бўлган учта орден шу байроқда кўзга ташланади.

Революция доҳийси Владимир Ильич Ленин ҳайкалининг ҳар икки томонида меҳмонлар турадиган минбарларда Совет ҳокимияти учун бўлган жангларнинг ветеранлари, меҳнат жангларининг қаҳрамонлари, фан ва маданиятнинг кўзга кўринган арбоблари, СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Тошкент область ва шаҳар партия комитетларининг аъзолари бор.


Ҳукумат минбарига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Г. Анисимкин, А. Д. Бесчастнов, И. Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, А. А. Ҳўжаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика министрлар совети раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Г. А. Габриельянц, С. К. Зиёдуллаев, И. В. Марциняк, М. Т. Турсунов, А. Р. Ҳўжаев чиқадилар.

Туркистон ҳарбий округ бўлинмалари теп-текис саф тортиб турган майдонга Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-полковник С. Е. Белоножко машинада кириб келади. Парад қўмондонининг рапортини қабул қилгач, у жангчиларнинг сафларини айланиб ўтади. Кейин минбарга кўтарилиб, солдатларга, сержантларга ва прапоршчикларга, офицерлар ва генералларга қарата, Тошкент ва Совет Ўзбекистонининг барча меҳнаткашларига қарата нутқ сўзлаб, уларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан умумхалқ байрами — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 56 йиллиги билан қутлаб, табриклади.

Бу ажойиб сананинг байрам қилиниши, деб таъкидлайди қўмондон, мамлакатда улкан сиёсий ва меҳнат ғайрати жўш урган бир вақтда ўтказилаётир. Ленинча Коммунистик партия атрофида мустаҳкам жипслашган қудратли кўп миллатли Ватанимиз меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини фидокорлик билан амалга оширмоқдалар.

Совет Ўзбекистонининг меҳнаткашлари коммунизм қурилишининг буюк ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг доно раҳбарлигида, барча совет халқларининг ва аввало улуғ рус халқининг қардошларча ёрдами туфайли Совет Ўзбекистони эндиликда ҳозирги замон саноат маҳсулотининг барча муҳим турларини ишлаб чиқараётган юксак даражада ривож топган индустриал республикага айланди. Халқ хўжалигининг барча соҳаларидаги меҳнатчилар тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажармоқдалар.

(Охири учинчи бетда).



ТОШКЕНТ. 1973 йил 7 ноябрь. Ленин номли майдонда ҳарбий парад.

(Боши биринчи бетда).

Киев олий ҳарбий-денгиз сиёсий билим юртининг талабалари оқ-зангори қизил юлдузли байроқ остида майдонга кириб келадилар. Бу йил парадда улар шавкатли Ҳарбий-Денгиз Флотимиз номидан қатнашишдек катта шарафга муяссар бўлдилар.

Денгизчилар кетидан гвардияча парашют-десант полки, Москва Қизил Байроқ орденли олий чегара командирлари билим юртининг парад колоннаси, денгиз пиёда қўшинлари полки шаҳдам одим ташлаб ўтадилар.

Ф. Э. Дзержинский номидаги Ленин орденли, Қизил Байроқ орденли дивизия жангчилари Қизил майдонда пайдо бўладилар.

Москва ва Калинин Суворов ҳарбий билим юртлари талабаларининг ва Ленинграддан келган ёш нахимовчиларнинг маршини минбардагилар бу сафар ҳам самимий кутиб оладилар.

РСФСР Олий Совети номидаги Ленин орденли, Қизил Байроқ орденли Москва олий умумқўшин командирлари билим юртининг курсантлари ўтадилар. Бу йил билим юрти Қизил майдондаги парадда 100-марта қатнашмоқда. Курсантлар 1941 йил ноябридаги параддагина қатнашмаган эдилар. Улар курсантларнинг алоҳида полки составида пойтахт остоналарида жанг қилаётган эдилар.

Бир дақиқа майдон жимиб қолади. Ицгма ҳарбий оркестр бош универсал магазин биносига яқинлашиб, техниканинг юриши учун жой бўшатади. Ниҳоят, тарих музейи тарафидан моторларнинг қудратли садолари яқинлашиб кела бошлайди. М. И. Калинин номидаги Қизил Байроқ орденли, Суворов орденли, гвардияча Тамань мото-ўқчи дивизия бўлинмалари бронетранспортерларда майдонга кириб келадилар. Бу дивизияга биринчилар қатори «гвардияча» деган фахрли ном берилган. Унинг ўттиз уч жангчиси Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлган.

Таманчилар ўрнини ҳаво-десант қўшинлари эгаллайди. Улар мураккаб жанговар техника билан қуролланган. Минбарлар олдидан ўтаётган десантчилар қисми Киевдаги «Арсенал» заводи билан яқин дўст тутинган. Шу корхонанинг собиқ слесарлари, токарлари, йиғувчилари бу ерга келиб жанговар маҳоратни ўрганадилар. Улуғ Ватан уруши йилларида Ватан учун жанг қилганларнинг фарзандлари тинчлик кунларидаги вахтани муносиб равишда бажо келтирмоқдалар.

Танк двигателларининг шовқини тобора кучаяди. Ленин орденли, Қизил Байроқ орденли гвардияча Кантемир танк дивизиясининг шиддатли жанговар машиналари яқинлашиб келади.

Қудратли совет артиллерияси Улуғ Ватан уруши йилларида сўнмас шуҳрат қозонган. Эндиликда унинг қудрати янада ошган. Олисни мўлжаллайдиган замонавий тўп-замбараклар, катта калибрли ва кучли тўплар, ваҳимали реактив қурилмалар Қизил майдондан ўтиб бораётганлиги бунинг яққол далилидир.

Парад сафларида мамлакат осмон ҳужумидан мудофаа қисмларининг зенит-ракета қисмлари бор. Осмон ҳужумидан мудофаа қўшинлари биринчи даражали жанговар техника билан таъминланган. Бошқариладиган ракеталарнинг автоматлаштирилган комплекслари ва ракета ташувчи ҳамда душман самолётлари йўлини тўсувчи қирувчи самолётлар уларнинг ихтиёрига бериб қўйилган. Бу ракета ва самолётлар мудофаа қилинаётган объектлардан анча нарида, баландлаб ва пастлаб учиб келаётган осмондаги нишоларни ҳар қандай об-ҳаво шароитида, душман томонидан радио тўқноғилари бузиб турилган шароитда ҳам аниқ мўлжалга олиши мумкин.

Парад қатнашчилари орасида Ленин орденли гвардияча Путилов-Киров ракета-зенит ҳаво ҳужумидан мудофаа полкининг бўлинмалари бор. Бу полкнинг тарихи — мамлакат осмон ҳужумидан мудофаа қисмлари жанговар йўлининг жонли тимсолидир. В. И. Ленининг ташаббуси билан барпо этилган ҳамда самолётларга қарши курашадиган батарея граждан уруши йилларида ажнабий интервенцияларга қарши олиб борилган жангларда қатнашган эди, кейинчалик бу батарея негизида зенит-ракета полки тузилди.

Майдонда тактик ва оператив-тактик ракеталар қўзга ташланади. Бу қисм шахсий составининг муваффақиятларини партия билан халқ юксак тақдирладилар.

Ҳарбий Денгиз Флотининг баллистик ракеталари колоннаси маршга қўшилади. Бизнинг флотимиз Ватан денгиз чегараларининг ишончли посбони бўлиб қолди. Баллистик ракеталар билан қуролланган атом сув ости кемалари флотимиз жанговар қудратининг негизига айланди. Улар сув остидан яширин тарзда жаҳон океанининг турли районларида туриб душман объектларига қақшатгич зарбалар бера оладилар.

Совет фани ва техникасининг энг янги ютуқлари асосида яратилган стратегик ракеталар фахрланиш ва ифтихор туйғуларини уйғотади. Юксак самарали ёқилғи билан ишлайдиган уч босқичли ракеталар майдондан олиб ўтилади.

Ҳарбий парад охирида ўз қудрати ва нишонга аниқ бориб тушиши жиҳатидан тенгсиз бўлган қитъалараро стратегик ракеталар Қизил майдондан ўтади.

Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Улуғ Октябрнинг 56 йиллигини жанговар ва сиёсий тайёргарликда янги-янги ютуқлар билан кутиб олдилар. Қизил майдондаги ҳарбий парад Қуролли Кучларимизнинг қудратини, уларнинг партия билан халқ даъватига дарҳол жавоб бериб, Ватан манфаатларини шараф билан ҳимоя қилишга, ҳар қандай агрессорга кескин зарба беришга тайёр эканлигини яна бир карра намойиш қилиб кўрсатди.

Майдон узра ҳарбий марш садолари янграйди. Ҳарбий парад-нинг салобатли манзарасига сўнгги сайқални бериб, минг кишилик йиғма ҳарбий оркестр сафлари минбарлар олдидан ўтади. Қўшинларнинг тантанавий юриши тамом бўлди.

* * *

Бир неча секунд Қизил майдонга жимлик чўкади. Мана энди тарих музейи биноси томонидан келаётган қизил алвонлар кўзни қамаштира бошлайди. Байроқдорлар марш бошлайдилар. Революцион қўшиқлар янграйди. Қизил байроқлар орасида пешқадам машина устига ўрнатилган жим-жимадор «56» рақами тобора яқинлаша беради. Колонналар тепасида қабарик ҳарфлардан «Октябрь» сўзи ҳосил қилинган. «Улуғ Октябрга — шон-шарафлар! Шон-шарафлар! Шон-шарафлар!» хитоблари жаранглайди.

«Улуғ Октябрь жаҳон тарихининг янги даврини — дунёни революцион янгилаш, капитализмдан социализмга ўтиш даврини очиб берди», «Одамлар дилида Октябрь ёққан революцион аланга олға бориш йўдимизни, коммунизм тантанаси йўлини ёритиб турибди!» деган сўзлар алвонларга ёзилган.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг асосчиси, дунёда биринчи социалистик давлатнинг бунёдкори В. И. Ленин портрети ва «Коммунизм ғалабаси сари, олға!» шиори байроқлар денгизида сузиб ўтади. Колонналар КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоларининг портретларини кўтариб олганлар. Транспарантга «Яшасин КПСС ленинчи Марказий Комитети!» сўзлари ёзилган.

«КПССга шон-шарафлар!», «Партия — давлатимизнинг ақл-идроки ор-номуси, шон-шарафи!» деган сўзлар электр нурида порлайди.

«Яшасин давлатимиз» қўшиғи тантанали янграйди. СССР герби тасвирланган ва «Октябрь Ватанига шон-шарафлар бўлсин!» сўзлари ёзилган байроқ ҳилпирайди. Марш қатнашчилари иттифоқдош республикаларнинг герблари тасвирланган байроқларини кўтариб олганлар. «Коммунизм бинокори — улуғ совет халқига шон-шарафлар!», «Халқ билан партия якдил!», «Яшасин Совет жамиятининг бузилмас ғоявий-сиёсий бирлиги!» шиорлари кўзни қамаштиради.

Майдон ранг-баранг бўёқлар билан товланиб кетади. Майдоннинг бутун энини тўлдириб келаётган йигит ва қизлар: «Улуғ Ленинга — шон-шарафлар!», «Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!», «КПСС ленинчи Марказий Комитетига шон-шарафлар!» деган сўзларни қайта такрорлайдилар. Қудратли «Ура» садолари эшитилади.

Анъанага кўра, байрам кунлари совет кишилари меҳнатда эришган ютуқлари тўғрисида Ватанга рапорт берадилар. Транспарантларда қурилишларнинг манзаралари, «КПСС XXIV съезди қарорларини муваффақиятли бажарамиз!», «Социалистик мусобақани кенг қулоч ёздирамиз!», «Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини зарбдор меҳнатимиз билан кўпайтирамиз!» сўзлари кўзга ташланади.

Майдон бир зумда гаплазорга айланиб кетгандек бўлади. Кўк кийимдаги қизлар олтин бошоқларни кўтариб кириб келадилар. Москва дала ва фермалар қаҳрамонларини табриклайди.

Пойтахт студентларининг бинокорлик отрядлари маршга қўшилади. Комсомол Октябрга рапорт беради.

ДОСААФ спортчилари: «Меҳнатга ва Ватан мудофаасига ҳамиша тайёрмиз!» шиорлари билан ўтадилар.

Транспарантда В. И. Ленин эълон қилган «Сулҳ тўғрисида декрет» тасвирланган. КПСС XXIV съезди қабул қилган Тинчлик программаси изчиллик билан амалга оширилаётганлигини тасвирловчи панно майдонга кириб келганида қарсаклар янграйди. СССРнинг тинчлик юриши кетмакет жуда муҳим ташаббусларни бошлади. Кескинликни юмшатиш, тинчликни мустаҳкамлаш ишида КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ГФР, АҚШ, Франция ва бошқа мамлакатларга қилган визитлари жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

«Халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги йўлида» фотопанорамаси ана шу визитлар тўғрисида ҳикоя қилади. Унда ўртоқ Л. И. Брежневнинг фотосуратлари, ана шу визитлар тўғрисидаги газеталар материаллари, тарихий ҳужжатлар тасвирланган.

Партия, совет давлатининг тинчликсевар сиёсатини барча совет кишилари, бутун тараққийпарвар инсоният яқдиллик билан маъқуллашмоқда, бу сиёсат уларнинг қалбида қизғин акс садо бермоқда. Тинчлик — бебаҳо мулк, тинчлик — келажак, ҳаёт, бахт-саодат демакдир. Шу боисдан ҳам Октябрь намойишида тинчлик мавзуи шу қадар яққол ифодаланган.

Транспарантлардан бирига «Қрим учрашувининг якунлари — халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги учун кураш ишига қўшилган янги катта ҳиссадир!» деган сўзлар ёзилган.

Қизил майдон узра: Жаҳон социализм системаси ривожланиб, мустаҳкамланаверсин деган хитоб сўзлари янграйди. Узаро Иқтисодий Ёрдам кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг герблари бамисоли юлдузлар туркумидек бир жойга тўпланган. Социалистик интеграция муваффақиятли равишда ривожланмоқда. Тинчликсевар социалистик система — ленинча интернационализм ғояларининг жонли тимсолидир.

Байрам марши колонналари «Бутун дунё коммунистларининг марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми асосидаги бирлиги учун», «Барча антиимпериалистик кучларнинг бирлиги учун» шиорларини кўтариб ўтадилар.

Қизил майдон, Москва, мамлакат араб халқларининг Исроил агрессиясига қарши кураши билан, Чили халқи билан, Ҳинди-Хитой халқлари билан — ҳаммадан тинчлик, миллий мустақиллик, демократия ва социал тараққиёт учун барча курашчилар билан бирдам эканлигини изҳор қилади.

Қизил байроқ осилган кумушранг шар осмонга кўтарилади. Унга «Социализм билан тинчлик ажралмасдир! сўзлари ёзилган.

Марш-парад қатнашчилари Қизил майдонни тўлдирадилар. КПСС ленинчи Марказий Комитети, Совет ҳукумати, социалистик Ватан шарафига табрик сўзлари янграйди. Шу тантанали дақиқаларда болалар мавзолей минбарига чопиб чиқадилар. Улар партия ва ҳукумат раҳбарларига гулдасталар ва қизил байрам лентачаларини топширадилар.

Қудратли «Ура!» садолари, гулдурос қарсаклар янграйди. Майдонда «Бепоёндир Ватаним менинг...» қўшиғи эшитилади. Шу қўшиқнинг тантанали куйлари остида Москва меҳнаткашларининг байрам намойиши бошланади.

Қаҳрамон шаҳарнинг мукофотлари: «Олтин юлдуз», қўш Ленин ордени, Октябрь революцияси ордени тасвирланган пойтахт байроғи кўтариб ўтилади. Москваликлар жонажон шаҳар шуҳратини фидокорона меҳнат билан кўпайтирмоқдалар.

Транспарантлар, диаграммалар, макетларда москваликларнинг меҳнат рапортлари тасвирланган. «Муддатидан аввал!» сўзи тез-тез кўзга ташланади.

Беш йиликнинг учинчи, ҳал қилувчи дастлабки кунларидан бошлабоқ москваликлар «Қамроқ чиқим қилиб, кўпроқ, сифатлироқ маҳсулот берамиз!» деган шиор остида социалистик мусобақани қизитиб юбордилар. Машинасозлар ва шиначилар, тўқимачилар ва пойафзалчилар, химиклар ва металлурглар — Москва ишчилар синфининг энг яхши намояндалари байрам колонналарида яхши кайфият ва завқ-шавқ билан юриб ўтадилар.

Пролетар райони колоннасига бошчилик қилиш шарафи Лихачев номидаги завод автомобилсозларига насиб этди. Улар беш йилликка катта ҳисса қўшдилар. Шу йилнинг ўн ойидагина улар топшириқдан ташқари юзлаб юк автомобилларини тайёрлаб беришди. Мамлакат энг катта автомобиль заводининг 22 минг ишчиси шахсий йиллик планларни 1 декабргача бажариш учун муваффақиятли равишда мусобақалашмоқдалар.

«Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Юксак меҳнат унумдорлигига ва ишлаб чиқариш самарадорлигига эришингиз, иқтисодий тежашга қаттиқ риоя этингиз, камроқ чиқим қилиб, кўпроқ, сифатлироқ маҳсулот беришга интилингиз!» — КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 56 йиллигига Чақириқларидаги шу шиор майдон бўйлаб янграйди. Худди шу даъватга жавоб берилгандек «Динамо» заводи колоннасининг транспарантлари янада баланд кўтарилади. Уч орденли корхона ҳозирнинг ўзидаёқ меҳнат унумдорлиги жиҳатидан 1974 йил учун планлаштирилган даражага етиб олди. Пойтахтдаги ана шу энг кекса электр техника корхонасининг меҳнатчилари ўн ойлик планни муддатидан аввал, 22 октябрда бажариб бўлдилар. Ишчиларнинг меҳнат самарадорлигини оширишга доир узоқ муддатли шахсий планларни тузиш ташаббуси худди шу ерда бошланган эди.

Байрам колонналарида беш йиликнинг учинчи, ҳал қилувчи йилида меҳнаткаш Москвада вужудга келган яхши ташаббусларнинг издошлари — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобин таклиф этган бригада пудрати методи асосида ишлаётган қурувчиларни, Серго Оржоникидзе номли заводда энг юксак иш унумини ҳар бир иш кунининг нормасига айлантирайлик, шиорини ўртага ташлаган Виктор Озеров бригадасининг издошларини, «МЭЛЗ» бирлашмасида 1973 йилда тежаб қолинган ресурслар ҳисобига саккиз кун ишлаб берамиз, деган шиор остида Галина Арефьева бригадаси бошлаган ҳаракат қатнашчиларини кўриш мумкин.

Москва марказий бутун мамлакатга машҳур бўлиб, муносиб обрў-эътибор қозонган. Пойтахтда 1200 хилдан ортиқ маҳсулот сифат белгиси билан чиқарилмоқда.

Москворецкий райони меҳнатчиларининг байрам юриши: «Халқ бахт-саодати — партиянинг олий мақсади» деган панно билан очилди.

Шу йилнинг ўзида москваликлар оммавий истеъмол қилинадиган юзлаб янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Пойтахтда магазинлар ва умумий овқатланиш корхоналари, маиший ва коммунал хизмат корхоналари очилди, аҳолига кўрсатиладиган маиший хизматнинг ҳамма турлари ҳажми анча кўпайтирилди.

Кўп қаватли бинолар ва қурилиш кранларининг тасвири Москва қурувчилари байрам колоннасининг тимсоли бўлди. Улар пойтахтни намунали коммунистик шаҳарга айлантириш тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев томонидан партия XXIV съездида қўйилган вазифани жанговар иш программаси деб қабул қилдилар. Шу йилнинг биргина учинчи кварталида москваликлар 1.08 миng квадрат метр уй-жой олдилар.

Ҳозирнинг ўзидаёқ меҳнаткашлар Москва 1974 йилги марраларни кўзламоқда. «Компрессор» заводи меҳнатчилари кўтариб олган транспарантга« 1974 йилда оширилган план асосида ишлаймиз», деган сўзлар ёзилган. Улар пойтахтда биринчи бўлиб келгуси йилнинг зарбдор режаларини белгиладилар. Корхона коллективи ишлаб чиқариш ҳажмини 1970 йилга нисбатан 40 процент кўпайтиришга, планни 1974 йил 1 декабргача бажаришга қарор қилди.

Москваликлар бугун берган рапортда пойтахтнинг 400 дан ортиқ завод ва фабрикаси оширилган планларни ишлаб чиқиб, қабул қилганликлари айтилган.

«Биз беш йиллик топшириқларини бажаришга мажбурмиз, бу топшириқларни бажариш учун эса беш йилликнинг қолган ярмида биринчи ярмидагига нисбатан кўпроқ иш қилишимиз, бунинг устига қамма соҳаларда: ишлаб турган қувватлардан интенсив фойдаланиш ва янги қувватларни ўз вақтида ишга тушириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан кўпроқ иш қилишимиз лозим», — деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев.

Пойтахт корхоналари, илмий-тадқиқот муассасаларининг коллективлари, ўқув юртлари, совет санъати ва адабиётининг намояндалари умумхалқ ишига қандай ҳисса қўшганликлари тўғрисида рапорт берадилар.

Ватанимиз пойтахти Москвада ўтказилган байрам намойиши партия ва халқ бирлигининг, коммунизм идеалларига садоқатнинг, совет кишилари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга оширишга, мамлакатимизда коммунистик қурилиш буюк ишига муносиб ҳисса қўшишга қатъий қарор берганликларининг ёркин далили бўлди.

Д. БАЖАНОВ,
М. БАРАТЯНЦ,
Л. БЕРНАСКОНИ,
М. ГОРБАЧЕВА,
В. СЕРОВ,
Д. СМИРНОВ.



А. Тўраев фотолари.

ПАРТИЯ ВА ХАЛҚ БИРЛИГИ ЕНГИЛМАСДИР

ОКТЯБРГА МЕҲНАТ САЛЮТИ

(Боши иккинчи бетда).

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида 1972 йилнинг шу давридагига нисбатан 7 процент кўпайди. Республика пахтакорлари пахтакор республикалар партия-хўжалик активининг Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга берган сўзларини шараф билан бажармоқдалар. Бугунги кунга қадар мисли кўрилмаган даражада кўп пахта— 4 миллион 800 минг тоннадан зиёдроқ ҳосил йиғиштириб олинди.

Коммунистик партия билан Совет ҳукумати КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан Тинчлик программасини изчиллик билан амалга оширмоқдалар. Агрессияга ва зулмга қарши, халқаро хавфсизликнинг мустаҳкамланиши учун курашмоқдалар, миллий озодлик ҳаракатига ҳар тарафлама ёрдам бермоқдалар. Партиямизнинг, партия Марказий Комитетининг, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятини совет халқи, бутун тараққийпарвар инсоният тўла-тўкис ва қизғин қўллаб-қувватламоқда.

Шу билан бирга, деб таъкидлайди қўмондон, империализмнинг агрессив табиати ўзгармаганлигини ҳисобга олмасдан бўлмайди. Партиямиз ва Совет ҳукумати, бутун совет халқи шундай шароитларда мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг жанговар қудратини оширишга жуда катта эътибор бермоқдалар.

Ленин партиясига, совет халқига, коммунизм ишига чексиз садоқатли Армиямиз билан Флотимиз тинчлик посбонлигида ва мамлакатимиз хавфсизлиги посбонлигида хушёр турибди. Совет давлатининг Қуролли Кучлари ягона сафида Қизил байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг қўшинлари ҳам ҳормай-толмай ўзларининг жанговар ва сиёсий тайёргарлигини оширмоқда.

Улуғ Октябрнинг 56 йиллигини шарафловчи, совет халқини, СССРнинг қаҳрамон Қуролли Кучларини шарафловчи, ишчилар синфининг, бутун совет халқининг синалган авангарди—Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини шарафловчи табрик сўзлари янграйди. Майдонда ва унга туташиб кетган кўчаларда қудратли «ура» садолари янграйди. Терма оркестр Совет Иттифоқи билан Ўзбекистон ССР Давлат гимнларини ижро этади. Байрам салюти залплари янграйди.

Ильич ҳайкали олдидан теп-текис сафларда ҳар хил қўшин турларининг бўлинмалари ўтади. Душманга даҳшат солувчи жанговар машиналар ўтмоқда. Қўшинларимиз ўтиб турган бутун вақт мобайнида минбардагилар қарсак чалиб турди. Тошкентликлар янги техникани моҳирлик билан эгаллаган жангчиларни қизғин, чин юракдан табриклайдилар.

Ҳарбий парад тугади. Майдонга дарҳол байроқлар, транспарантлар, паннолар оқими кириб келади. Намойишчиларнинг район колонналари бир қанча оқим бўлиб жўшиб кириб келади. Олдинда — шонли меҳнат зафарлари билан бурканган Тошкентнинг байроғи ҳилпираб турибди. Октябролди кунлари социалистик мусобақасида ана шу зафарлар ёнига янги зафарлар қўшилди. Шаҳар корхоналари январь ойидан буён планга қўшимча қилиб бир неча ўн миллион сўмлик маҳсулот етказиб бердилар. Меҳнат унумдорлиги бултурдагига нисбатан етти процент ортди. Маҳсулотнинг беш юздан ортиқ янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Республика пойтахтида тайёрланаётган саноат буюмларининг 75 таси давлат Сифат белгисини олишга сазовор бўлди.

Сафлар узра кўтарилган плакатлар Тошкент меҳнаткашларининг ижодий кучлари парвози тўғрисида ҳикоя қилади. Бу парвоз партия XXIV съезди қарорларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақа кенг қулоч ёйган лигида, меҳнат гвардиячиларининг новаторлик ташаббусларида намоён бўлмоқда. Леонид Ильич Брежнев Ўзбекистон ССРга Халқлар дўстлиги орденини топшираётганида Ўзбекистон эришган муваффақиятларга юксак баҳо берди. Бу Тошкент шаҳри ва бутун республика меҳнаткашларининг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшди.

Майдон узра ўзи билан чит газлама ленталарини элтаётган космик ракета сузиб бормоқда. Тўқимачилик комбинатининг ходимлари ўз колонналарини шундай безашган. Рамзий маъноси бор манзара! «Беш йилликни жадал суръатлар билан бажарамиз!» деган шиор худди мана шу корхонада туғилди. Бу шиорни тўқувчи Лидия Казанцева биринчи бўлиб ўртага ташлади. Унинг ўзи беш йиллик топшириқни икки йилу тўрт ойда биринчи бўлиб бажарди. Бугунги кунда республиканинг минг-минглаб ишчилари Тошкент тўқувчисидан ибрат олиб ўзларининг ишлаб чиқариш маромларини астойдил жадаллаштирмоқдалар. Комбинатнинг ўзида тағин бир ғалаба қўлга киритилди: йигирувчи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Буолма Жўраева икки мингта урчуққа хизмат кўрсата бошлади, мавжуд нормани қарийб икки ҳисса ошириб юборди.

Заводларнинг, фабрикаларнинг, конструкторлик бюроларининг номлари кўзга ташланади. Ҳар бир коллектив ишлаб чиқаришда ишга туширилган резервлар тўғрисида, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллигига тайёргарлик кўра бориб, ўз ишларида қўлга киритган муваффақиятлари тўғрисида рапорт бермоқда. Самолётсозлар, тўқимачилик машиналарининг, экскаваторларнинг, компрессорларнинг ижодкорлари, тикувчилар, юзлаб корхоналарнинг ходимлари меҳнатда эришилган зафарларни кўрсатувчи плакатларни кўтариб ўтдилар.

Намойишчиларнинг сафларида кўпдан-кўп бинокорлар бор. Бунга эса ҳеч бир ҳайрон қолинмаса ҳам бўлади: Тошкент зилзила оқибатида етган жароҳатларни даволаб уй-жой кварталларини кенг миқёсда қуришни давом эттирмоқда, янги-янги корхоналар ва цехлар барпо этмоқда. Бинокорларнинг Октябрь байрами куни айтса арзигулдек муваффақиятлари бор! Беш йиллик бошидан буён 280 та саноат, савдо, маданий-маиший хизмат қиладиган янги объектлар ишга туширилди. Ана шу вақт мобайнида тошкентликлардан 150 минг киши янги шинам уйларга кўчиб кирди. Байрам арафасидагина шаҳарликлардан олти ярим минг киши янги квартираларнинг калитини олди. Метросозлар яхши ишлашди — улар ҳозирнинг ўзидаёқ тўрт километрга яқин туннель қазиб қўйдилар.

Минбардагилар фан ва маданият ходимларини, студентларни ҳамда ўқувчиларни қизғин табриклайдилар. Савдо-сотиқ ва хизмат кўрсатиш ходимлари ўз зиммаларига юкланган катта ва масъулиятли вазифаларни шараф билан бажаришга интилаётганликларини изҳор этадилар.

Байрам юриши иштирокчилари чамандек очилиб турган пахта чаноғини ифтихор билан кўтариб ўтадилар. Эндиликда шаҳарда Ўроқ билан Болға иттифоқини мустаҳкамламаган бирорта коллектив топилмайди. Тошкентликлар республиканинг мисли кўрилмаган даражада мўл пахта ҳосилини йиғиб-териб олишида бевосита ёки билвосита қатнашдилар.

«Ташсельмаш» заводининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари намойишга ўз бурчларини бажариб ифтихор ҳисси билан чиқдилар. Бу заводда ишлаб чиқарилган машиналар бу йил республика далаларидаги ҳосилнинг 2 миллион 650 минг тоннасини териб берди. Кенг қаторларда фойдаланиш учун тўрт қаторли терим агрегатининг кўплаб ишлаб чиқарила бошлаши совет пахтачилигини комплекс механизациялаш ишига машинасозларнинг қўшган янги ҳиссаси бўлди. Ҳал қилувчи учинчи йилда «оқ олтин»дан ҳали мисли кўрилмаган даражада ҳосилни йиғиштириб олиш учун курашда фаол иштирок этганликларини намойишда тракторсозлар, сеялка, пуркагич-чанглатгич машиналарининг ижодкорлари, кўрак чувиш машинаси ва бошқа техника ижодкорлари, селекционерлар, ирригаторлар, ўнлаб ва юзлаб меҳнат коллективларининг намояндалари баралла айтдилар.

Тинчликсевар кучларнинг Жаҳон конгрессида Леонид Ильич Брежнев тинчлик билан меҳнат ўзаро чамбарчас боғлиқдир деб айтган сўзлар намойиш иштирокчилари кўтариб бораётган транспарантларда кўпдан-кўп такрорланади. Намойишчилар барча тошкентликлар номидан партия билан ҳукуматга тинчликни мустаҳкамлаш тўғрисида ҳормай-толмай меҳрибонлик қилаётганликлари учун самимий ташаккур изҳор этадилар. Тошкент меҳнаткашлари ўзларининг қаҳрамон Вьетнам халқи билан, империализмга қарши курашда ўз озодлиги ва миллий мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган барча халқлар билан бирдамликларини мустаҳкамлашга бўлган интилишларини изҳор этдилар. Улар араб дўстлари ғалаба қозонишини истайдилар. Чилида фашист террорига чек қўйилишини кескин талаб этадилар.

Тошкентда байрам намойиши гўзал спорт паради билан тугади.

Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 56 йиллиги кунида жонажон партия раҳбарлигида совет халқларининг улуғ дўстлигини мустаҳкамлашга, коммунистик қурилишдаги муваффақиятларни кўпайтиришга тайёр турганликларини яна бир марта изҳор этдилар.

* * *

Намойишдан кейин театрлар, ишчи клублари, маданият саройларида байрам шодиёнаси давом этди. Тошкентнинг кечқурунги осмонини байрам салютининг чироқлари нурафшон қилди.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯ БЕЛГИЛАБ БЕРГАН ЙЎЛДАН

Тошкент областининг меҳнатчилари Октябрнинг 56 йиллигини муносиб кутиб олдилар. Индустриал Бекобод умумхалқ байрамини пландан ташқари икки ярим миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш билан нишонлади. В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводининг пўлат эритувчилари ва прокатчилари байрам намойишининг олдинги колоннасида бордилар. Улар ўзларининг оширилган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар.

Амударё этакларида Совет ҳокимиятини ўрнатишда иштирок этган ветеранлар, Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари, Совет Иттифоқи ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, Шуҳрат орденининг кавалерлари **Нукус** меҳнаткашларининг байрам намойишини бошлаб беришди. Оқсоқоллар эстафетани шаҳарнинг энг ёш граждалари-мактаб ўқувчиларига топширдилар. Нукус корхоналари ишчилари ва инженер-техник ходимларининг колонналари бирин-кетин минбарлар олдидан ўтди.

Қорақалпоғистон бинокорлик материаллари комбинатининг ходимлари байрамолди вахтасида яхши натижаларга эришдилар. Улар гранит блоклар ва бошқа хил маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар.

Қадимий **Самарқанд**нинг майдонлари, хиёбонлари ва кўчалари байрам либосини кийган. Областдаги саноат корхоналарининг коллективлари эришган меҳнат ғалабаларининг рапортлари ёзилган транспарантлар колонналар узра яққол кўзга ташланиб турибди. Область саноат корхоналарининг коллективлари саноат маҳсулотини реализация қилиш ҳажми юзасидан ўн ойлик планни бажарганликлари тўғрисида 25 октябрдаёқ рапорт берган эдилар.

Самарқандликлар халқларнинг ленинча дўстлигини бундан буён ҳам мустаҳкамлашга, ўз сафларини жонажон Коммунистик партия теварагида яна ҳам маҳкамроқ жипслаштиришга интилаётганликларини байрам кунида яна бир бор намойиш қилдилар. Намойишчилар тинчликсевар кучларнинг яқинда Москвада ўз ишини тамомлаган Жаҳон конгресси якунларини маъқулловчи плакатларни кўтариб ўтдилар.

Фарғонада бўлиб ўтган намойишда меҳнат пешқадамлари байрам колонналарининг олдинги сафларида бордилар. Улар орасида техника тараққиётининг пешқадамлари — нефтчилар, Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига сурункасига 16 марта ғолиб чиққан Фарғона тўқимачилик комбинатининг ходимлари, улкан химия объектларини барпо этаётган бинокорлар, азотчилар, ипакчилар, пойафзалчилар бор эди. Фарғоналиклар ўн ойлик программадан ташқари 27 миллион сўмликдан кўпроқ ҳар хил маҳсулот реализация қилдилар, дала меҳнатчилари Ватан омборларига 535 минг тонна «оқ олтин» етказиб бердилар.

Эрксевар Чили халқига оташин салом сўзлари, Исроил агрессорларига зарба бераётган араб халқлари билан бирдамлик сўзлари транспарантларда кўзга ташланиб турарди.

Андижоннинг маркази бўлган Навоий проспекти Октябрь майдонига бораётган намойишчилар билан эрталабданоқ тўлган эди. Кўчаларда қизил байроқлар ва Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас дўстлиги тўғрисида ҳикоя қилувчи ранг-баранг транспарантлар товланади.

Тоғдек пахта ортган катта машина майдонда пайдо бўлади. Машинанинг ён томонига «Андижон пахтаси 600 минг тоннага етказилади», деган сўзлар ёзиб қўйилган. Намойишчилар кўтариб бораётган транспарантлар дала қаҳрамонлари — механизаторларни шарафлар эди.

Наманганда колонналар юришини ёшлар бошлаб берди. Намойишчиларнинг сафлари узра «Тинчлик», «Меҳнат», «Бахт-Саодат» сўзлари ёзилган юзлаб байроқчалар ҳилпираб турарди. Бу сўзлар совет кишиларининг ҳаёт мазмунини акс эттириб турарди. Ўқувчилар, студентлар, спортчилар бахтли ёшлик учун жонажон партия ва Совет ҳукуматига миннатдорчилик сўзларини қайта-қайта такрорлардилар.

Шойи ва костюмбоп газламалар комбинати ходимларининг колоннасида беш йиллик планларини бажарган 45 ишчи борарди. Булар орасида донгдор йигирувчи, СССР Олий Советининг депутати Д. Тошпўлатова ҳам бор эди. У нормадаги 800 ўринга икки минг урчуққа хизмат қилишга ўтган «Наманганирстрой» трести коллективи сафи узра СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги билан тармоқ касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи кўзга ташланиб турарди. Коллектив бу мукофотга Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган ғалабаси учун сазовор бўлган.

Гулистон меҳнаткашлари байрам намойишининг бадиий безакларида қўриқ Сирдарё области меҳнатчиларининг улкан ғалабаси ўзининг ёрқин ифодасини топган эди. Пахтакорлар давлатга пахта сотиш юзасидан оширилган социалистик мажбуриятларини муддатдан аввал бажарганликлари тўғрисида Октябрнинг шонли санаси арафасида Ватанга рапорт берган эдилар.

Байрам намойишида пахта тозалаш саноати ходимлари орасида Гулистон пахта заводининг коллективи олдинги сафда борарди. Бу корхона ишлаб чиқариш суръатларини йил сайин ошириб, маҳсулот сифатини яхшиламоқда. Корхона коллективи бу муваффақиятга янги техникани ва мукаммал технологияни жорий этиш туфайли эришмоқда. Эндиликда корхона бутун маҳсулотни нуқул олий сифатли қилиб ишлаб чиқармоқда.

Термиз меҳнаткашлари байрам намойишига Ватан шуҳрати йўлида зўр ғайрат билан меҳнат қилиш, халқлар ўртасида тинчликни ва дўстликни мустаҳкамлаш фикр-туйғулари билан келдилар. Серқуёш Ўзбекистондаги энг жанубий шаҳарнинг аҳолиси республика халқ хўжалигини ривожлантириш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Портчилар топшириқни муваффақиятли адо этмоқдалар. Улар ўн ойлик топшириқни анча ошириб бажариш билан Октябрь байрамини кутиб олдилар.

Октябрнинг шонли санасини меҳнат зафарлари билан кутиб олган пахта тозалаш заводининг ходимлари, темирйўлчилар, автомобилчилар, бинокорлар байрам колонналарида хуш кайфият билан қадам ташлаб борар эдилар. Қишлоқ хўжалиги ходимлари колоннаси узра кўзга ташланиб турган транспарантлар қишлоқ меҳнатчиларининг ажойиб ишлари ҳақида ҳикоя қиларди.

Қарши кўчаларида кўплаб байроқлар кўтарган кишилар пайдо бўлди. Намойишчиларнинг хушчақчақ колонналари шаҳарнинг марказий майдонидаги В. И. Ленин ҳайкали олдидан ўтишди. Улар меҳнаткаш инсон тўғрисида, ер юзида мустаҳкам тинчлик бўлиши учун зўр ғамхўрлик қилаётганликлари учун партия ва ҳукуматга чуқур миннатдорчилик сўзлари ёзилган плакатларни кўтариб бордилар. Область саноат корхоналарининг меҳнатчилари ишлаб чиқариш программасини муддатидан илгари бажариб, пландан ташқари 6,5 миллион сўмлик ҳар хил маҳсулот реализация қилдилар. Қарши чўлқуварлари қарийб 80 миллион сўмлик ҳар хил объектларни фойдаланишга топширдилар. Янги совхозларда кўпгина уй-жойлар ишга туширилди. Йиғма темир-бетон заводи қуриб битказилди.

Бухоро намойишчилари орасида Бутуниттифоқ зарбдор қурилиши бўлган ип газлама комбинати кўп миллатли коллективининг байрам колоннаси борарди. Қурувчилар байрам арафасида биринчи йигириш-тўқиш фабрикаси томини монтаж қилиш ва ўрнатишни муддатидан илгари тугалладилар, лентали пилталаш цехини ишга тушириш учун батамом тайёрлаб қўйдилар. Комбинатнинг қурилиш майдончасида биринчи йигирув-тўқув фабрикасини фойдаланишга топшириш учун мусобақа тобора кенг авж олдирилмоқда. Бу фабрика шу йилнинг ўзидаёқ маҳсулот ишлаб чиқариши керак.

Россия Федерациясида хизмат кўрсатган бинокор Василий Федорович Балашов бошлиқ монтажчилар бригадаси, Шовқи Гадоев бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси, Вячеслав Лигунов бошлиқ электр монтажчилар бригадаси ва кўпгина бошқа бригадалар бу ерда мусобақа пешқадамлари бўлишди.

Урганч меҳнаткашлари меҳнатда янги муваффақиятлар билан Ватан шуҳратини бундан буён ҳам оширишга шай эканликларини изҳор қилдилар. Шаҳар корхоналари ва қурилишларининг коллективлари октябролди вахтасини социалистик мусобақада янги ютуқлар билан нишонладилар. Шаҳарликлар мўл «оқ олтин» ҳосили етиштиришга эришган Хоразм пахтакорларини қизғин табрикладилар.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 56 йиллиги кунида шаҳар ва қишлоқларда катта халқ сайиллари бўлиб ўтди. (ЎзТАГ).





ТОШКЕНТ. 1973 йил 7 ноябрь. Меҳнаткашларнинг байрам намойишлари.

А. Тўраев фотолари.

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ДАДИЛ ҚАДАМЛАРИ

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА ЛЕНИН МУКОФОТИ ВА СССР ДАВЛАТ МУКОФОТИ КОМИТЕТИНИНГ ИЛМИЙ СЕКРЕТАРИ ПРОФЕССОР Н. С. АРЖАНИКОВ БИЛАН СУҲБАТ

Олимлар, инженерлар, ишлаб чиқариш новаторлари беш йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажаришга барча совет халқи билан биргаликда катта ҳисса қўшмоқдалар. Эндиликда техника тараққиёти пионерлари—СССР Давлат мукофоти лауреатлари отрядлари фан ва техниканинг етакчи тармоқларидаги катта-катта тадқиқотларнинг авторлари билан тўлди.

Совет физика-математика мактаби ҳақиқатда ҳам халқ хўжалигини техника жиҳатдан қайта қуроллантирувчи пойдеворлардан биридир. Шу мактаб вакиллари—белоруссиялик физик олимлар Н. А. Борисевич билан В. Г. Верешчагин инфра қизил спектрнинг катта областидаги янги класс оптик фильтрларни яратиш соҳасида қилган ишлари учун мукофотга сазовор бўлдилар. Ҳозирги вақтда кенг кўламдаги илмий ва тадбиқий масалаларни ҳал этишда спектрнинг шу областидан муваффақиятли равишда ва тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Авторлар фан ва техниканинг турли соҳаларида кенг кўламда ишлатила бошланган шу фильтрларни кўплаб ишлаб чиқариш технологиясини ҳам тайёрлаб бердилар. Физиклар катта бир группасининг мезонлар фото туғилиш назариясини тузишга бағишланган ишлари, шунингдек тақрибот назарияси экстремал масалаларини ҳал этиш принципиал янги методларини таклиф этган Днепропетровск университетининг профессори Н. П. Корнейчукнинг тадқиқотлари ҳам табииётшунослик фанларининг фундаментал проблемалари ривожига катта ҳисса қўшиб, ҳозир мукофотлар билан тақдирланди.

Шиша электрод назариясини ишлаб чиққанликлари ва шишанинг электрод ҳоссаларини баён қилиб берганликлари учун академик Б. П. Никольский раҳбарлигидаги олимлар ва мутахасислар коллективи мукофот билан тақдирланди. Бунда фан-техника тараққиётининг муҳим проблемаларидан бири — ишлаб чиқариш процессларини назорат қилиб бориш ва ростлашни ҳамда илмий тадқиқотларни кислота миқдорига қараб автоматлаштириш проблемаси ҳал этилди. Н. Г. Раммиди ва бошқа авторлар ишлаб чиққан янги газ электронография методи молекуляр структураларни 2500 градусга қадар етиб борувчи юксак температураларда, ғоятда аниқлик билан тадқиқ этишга имкон бериб, ғоят нозик технологик процессларини такомиллаштириш йўлида босилган яна битта қадамдир.

Геологиядаги излов ишлари катта кўламда ривожланиб бормоқда. Аммо ҳозир табиий бойликлар потенциали на фақат изланиш майдонларини миқдорий кўпайтириш ҳисобигагина эмас, шу билан бирга сифат жиҳатидан янги назарий фикрлаш йўли билан ҳам кўпайиб бормоқда. Шу жиҳатдан олганда А. Д. Щегловнинг тектоном-магматик активизация областларида фойдали қазилма конларини прогноз қилиш илмий асосларини ишлаб чиқишга бағишланган тадқиқоти эътиборга сазовордир. Бу ишлар кейинги йилларда катта-катта рангли металл ва нодир металл конларини очишга ёрдам берди. Тоғ жинсларининг пьезоэлектрик ҳодисасини, шунингдек мана шу ҳодисадан фойдали қазилма конларини янги излов методи сифатида фойдаланиш йўлини илмий кашфиёт сифатида ўз ичига олувчи комплекс тадқиқот учун (М. В. Воларович ва бошқалардан иборат) авторлар коллективи ҳам СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Совет ва Куба олимларининг муваффақиятли ҳамдўстлик тажрибалари совет ва чет эл матбуотида, халқаро илмий ташкилотларда юксак баҳо олди. Улар И. П. Герасимов билан Нуньес-Хименес Антонио раҳбарлигида Куба миллий атласини — комплекс характердаги фундаментал илмий картографик асарни яратдилар. Бу атласдан Куба Республикасида табиий шароитларни анализ қилиш ва табиий ресурсларга иқтисодий баҳо беришда, халқ хўжалигини илмий асосда ривожлантиришни планлаштиришда ҳозир кенг кўламда фойдаланиляпти.

Биология фани соҳасида нерв системасини тадқиқ этиш борасидаги ишлари туркуми учун белорус олими Д. М. Голубга мукофот берилди. У янги илмий тадқиқот соҳасини яратди ва асослади. Бу соҳанинг моҳияти шундаки, ички органларнинг марказий нерв системаси билан богловчи янги нерв йўлларини хирургия усули билан яратиш учун сут эмизувчилар ва одам нерв системаси эмбрионал ривожланиш қонуниятларида прототип сифатида фойдаланилади.

Академик А. П. Окладников билан СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси В. И. Шунковнинг мамлакатимиз жуда катта қисмининг қадимги археологик маданиятларидан ҳозирги даврга қадар тарихини очиб берувчи асари «Сибирь тарихи» деб аталади. Шу асар ҳам мукофот билан тақдирланди. Бу тадқиқотда Сибирда XIX асрнинг охирлари ва XX асрнинг бошларида рўй берган социал-иқтисодий процессларга, В. И. Ленин ва сафдошларининг Сибирь сургунидаги фаолиятига, Сибирь меҳнаткашларининг революцион курашига, Сибирда социалистик қурилиш тарихига кўп ўрин берилган.

Бу сафар Давлат мукофоти билан тақдирланган кўпгина ишлар илм-фан билан практиканинг иттифоқи, олимларнинг ҳозирги кун мавзуларига мурожаат этишга интилишлари нақадар самарали чиқаётганлигини кўрсатади. Қорамолнинг қирма темраткасига қарши ишлатиладиган юксак самарали ТФ—130 профилактик препарати (вакцинаси)нинг яратилиши, шунингдек ўзбекистонлик селекциячилар группаси касалликка чалинмайдиган ғўза навларини яратганликлари жуда катта халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган шундай тадқиқотлар қаторига киради.

Гўдак болалардаги юрак касалликлари клиникаси ва диагностикасини ўрганиш борасидаги ишлари, шунингдек янги хирургик даволаш методларини ишлаб чиққанликлари учун профессор В. И. Бураковский ва унинг ҳамкасбларига медицина соҳасидаги СССР Давлат мукофоти берилди. Медицина текшируви ҳазинасини янги оригинал метод — электрорентгенография методи билан тўлдирган бир группа мутахассислар (И. И. Жилевич ва бошқалар) соғлиқни сақлаш практикасига салмоқли ҳисса қўшдилар. Бу метод оддий ёзув қоғозида рентген тасвирини ҳосил қилиш учун селен пластиналарнинг ним ўтказгичли хоссаларидан фойдаланишга асосланади. Янги метод учун фотолабораториянинг даркорлиги йўқ, ёруғда ишланади ва бошқа сифатлари ҳам бор. Натижада медиклар фақат стационарлар, поликлиникалардагина эмас, шу билан бирга дала шароитларида ҳам рентгенографик текширишдан бемалол фойдаланишлари мумкин бўлади.

КПСС XXIV съездининг кўрсатишича, социалистик экономикани ривожлантириш ҳозирги босқичида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиёти суръатларини жадаллаштириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Ишлаб чиқариш бирлашмаларини яратиш ва уларни халқ хўжалигига жорий қилиш, Горький автомобиль заводида юк ортиш-тушириш ва транспорт ишларини комплекс равишда механизациялаш, оғир ва ноёб металл қирқувчи станоклар конструкциясини яратиш ва саноатни улар билан таъминлаш тажрибаси каби шубҳасиз кашшофлик ишларида мана шу ўсишни вужудга келтирувчи омилларни кўриш мумкинки, улар ҳам мукофот билан тақдирланди. Кейинги иш кўп йил олиб борилган тадқиқот ва тажриба ишларининг якуни бўлиб, буғ турбиналари, катта-катта эшкак винтлари, турбина паракларининг кўп тонналик деталларига аниқ ишлов берувчи оғир ва ноёб станоклар яратиш билан поёнига етказилди.

Транзисторлар, радиоприёмникларни кўплаб ишлаб чиқариш серунум системасини яратганликлари ва жорий қилганликлари учун Давлат мукофотига сазовор бўлган «ВЭФ» радиотехника заводи ходимлари коллективи катта-катта муваффақиятларга эришди. Қуйидаги факт шу коллектив ижодий изланиш натижаларини билдиради. Рига радио заводи мамлакатнинг турдош корхоналари орасида биринчи бўлиб транзистор паспортига уч йил муддатлик гарантия муҳрини урди.

Совет индустриясининг етакчи соҳаларида ишлаётган мутахассислар коллективлари эришган муваффақиятлари билан ҳурсанд қилдилар. Кўмир шахталарида узлуксиз ишлайдиган газ ҳимоя воситаларини жорий этиш, электрон-ҳисоб машиналари учун хотира қурилмаларини комплекс автоматлашган усулда ишлаб чиқариш, ним ўтказгич асбоблар тайёрлайдиган автоматик линия, озиқ-овқат саноати корхоналарида автоматик линияларни жорий этиш, металлургия корхоналарида юксак самарали технологик линияларни яратиш борасидаги ишлар СССР Давлат мукофотлари билан тақдирланди. Алюминий қотишмаларини узлуксиз равишда қуядиган установкаларни саноат кўламида ўзлаштириш билан боғлиқ шу ишлардан бири аслида металлургия процессини такомиллаштиришда сифат жиҳатидан янги бир босқични очиб беради. Бундай установкаларда қуйилма қаттиқ қолип деворлари орасида эмас, балки «магнит тўни» ичида, кўзга кўринмас электромагнит майдони тарамлари орасида қолипланади.

Қурилиш соҳасидаги катта иш — турли мақсадлар учун мўлжалланадиган ва пресланган якпора қопламали тоннеллар қуриш технологияси ва қазиш машина-ускуналарини ишлаб чиққанликлари ва жорий этганликлари учун П. И. Брежнев ва бошқа мутахассислардан иборат составдаги авторлар коллективига СССР Давлат мукофоти берилди. Ҳозирги вақтда метрополитен ва коллекторлар қуришда ковланган йўл деворларига прессланган якпора материал қоплаб тоннель қуриш усули кенг тарқалди. Эндиликда деворига прессланган якпора бетон қоплаб тоннель қуриш принципиал янги технологияси ишлаб чиқилди ва қурилишга жорий этилди. Бу метод тоннель қуриш процессини тубдан соддалаштиради. Бу иш турли мамлакатларда, шу жумладан АҚШ, ГФР, Япония, Англия, Францияда олинган 56 патент билан ҳимояланган.

Олий ва ўрта мактаблар учун чиқарилган дарсликларнинг авторлари ҳам Давлат мукофотлари билан тақдирланди.

1973 йилги СССР Давлат мукофотларининг берилиши мамлакатимизда илм-фан ва техника тараққиётини янада ривожлантиришга катта ҳисса қўшган совет олимлари ва инженер-техник ходимлари эришган катта-катта муваффақиятлардан яққол далолат беради.

(ТАСС).

ИЛҒОР ЧОРВАДОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети 1973 йилнинг 9 ойи якунлари бўйича чорвачилик соҳасидаги кўрсаткичларни қараб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини **Андижон областига** (область партия комитетининг секретари Ўртоқ **Раҳимов,** область ижроия комитети раиси вазифасини ижро этувчи Ўртоқ **Ҳасанов,** область қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ **Қодиров,** область совхозлар трестининг директори Ўртоқ **Отажонов**) беришга қарор қилинди. Бу область қорамоллар туғғининг ўсишини, шу жумладан сигирлар туғғини 6 процент, қўй ва эчкилар туғғини 2 процент ва парранда сонини 19 процент ўсишини таъминлаган, сут етиштиришни 26 процент, гўшт етиштиришни 11 процент ва тухум етиштиришни 30 процент, ҳар бир сигирдан соғиб олинган сутни 253 килограмм кўпайтирган, ҳар бир товуқ ҳисобига 14 тадан кўп тухум олган, давлатга ҳар бирининг ўртача тирик вазни 379 килограмм келадиган қорамол топширган, Давлатга гўшт сотиш халқ хўжалик планини 98,2 процент, сут сотиш планини 93 процент, тухум сотиш планини 129 процент ва жун сотиш планини 114,8 процент бажарган, қорамолларнинг 99,6 процентини, чўчқаларнинг 98,2 процентини, қўй ва эчкиларнинг 99,3 процентини сақлаб қолишга эришган, хашак тайёрлаш планини 130 процент, сенаж тайёрлаш планини 126 процент ва силос бостириш планини 119 процент бажарган. Байроқ Тошкент, областидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини **Ортиқов,** район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ **Тиллаев,** район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ **Нурота районига** (район партия комитетининг секретари Ўртоқ **Ортиқов,** район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ **Тўрақўрғон районида** (район партия комитетининг секретари Ўртоқ **Бобохонов,** район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ **Сиддиқов,** район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ **Ҳўжамов**) беришга қарор қилинди. Бу район барча турдаги чорва тўғғининг ва парранданинг ўсишини ҳамда насл олиш планининг бажарилишини таъминлаган, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирган ҳамда давлатга ўтган йилнинг 9 ойидагига нисбатан ғўштни 45 процент, сутни 15 процент ва жунни 33 процент кўп сотган, ҳар юз бош совлиқдан 132 тадан қўзи олган, қўйларини 99,4 процент сақлаб қолишни таъминлаган ҳамда хашак тайёрлаш планини 150 процент ва силос бостириш планини 121 процент бажарган. Байроқ Бухоро областининг Қоннмех районидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини Қарши районидаги **«Коммунизм» колхозига** (колхоз раиси Ўртоқ **Файзуллаев,** партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Умаров**) беришга қарор қилинди. Бу колхоз чорва туғғи ва парранданинг ўсишини таъминлаган, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни 3 баравар кўпайтирган. 9 ойи ичида ҳар бир сигирдан 2755 килограмм ёки ўтган йилдагига нисбатан 273 килограмм кўп сут соғиб олган, ҳар бир товуқдан 125 тадан тухум ёки ўтган йилнинг шу даврида-гига нисбатан 55 донадан кўп тухум олган, ҳар юз бош сигирдан 87 тадан бузоқ ва ҳар юз бош совлиқдан 115 тадан қўзи олган, ем-хашак тайёрлаш планини бажарган, чорвани тўлиқ сақлаб қолган. Байроқ Сирдарё районидаги «1- Май» колхозидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини Конимех районидаги **«Шофиркон» қорақўлчилик совхозига** (совхоз директори Ўртоқ **Абдуллаев,** партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Ўтемуродов,** ишчилар комитетининг раиси Ўртоқ **Бектошев**) беришга қарор қилинди. Бу совхоз чорва туғғининг ўсишини ва насл олиш планининг бажарилишини таъминлаган, ҳар юз бош совлиқдан 137 тадан қўзи олган, давлатга жун сотиш планини 114 процент, қорақўл тери сотиш планини 105 процент, хашак тайёрлаш планини 209 процент бажарган, қўйларини 99,4 процент сақлаб қолган. Байроқ Ульянов районидаги «Ўзбекистон» давлат наслчилик заводидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини Сирдарё областининг **Гулистон наслчилик паррандачилик совхозига** (директори Ўртоқ **Орифжонов,** партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Маматқулов,** ишчилар комитетининг раиси Ўртоқ **Колотилина**) беришга қарор қилинди. Бу совхоз паррандасининг ўсишини, насл олиш планининг бажарилишини таъминлаган, тухум етиштиришни кўпайтирган, давлатга тухум топшириш планини 105 процент ва парранда ғўштни топшириш планини 103 процент бажарган, тухум қиладиган ҳар бир товуқдан 170 тадан тухум олган, катта ёшдаги парранданинг 99,4 процентини сақлаб қолишни таъминлаган. Байроқ Калинин районидаги «Ўзбекистон» паррандачилик фабрикасидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини **Фарғона область давлат наслчилик корхонасига** (бошлиғи Ўртоқ **Китайкин,** партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Мирзаалиеев** маҳаллий комитетининг раиси Ўртоқ **Аминова,** бош зоотехник Ўртоқ **Нигматуллин**) беришга қарор қилинди. Бу корхона сигир ва гунажинларни сунъий уруғлантириш пунктини 86 процент бажарган, кўпчилик колхоз ва совхозларда зотли сигирлар подаси ва соғлом гунажинлар етиштиришни ташкил қилган, корхона фаолияти зонасида сигирларнинг маҳсулдорлигини анча кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Тошкент область давлат наслчилик корхонасидан олиб берилади.

СССР ДАВЛАТ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ

ҚЎШ ЧИНОР

ИЛМИЙ-ИҚТИСОДИЙ ОЧЕРК

Минбарга баланд бўйли, кенг елкали, қадам босиши ҳарбий кишиларни эслатувчи олим кўтарилди. Бу киши пахта илмининг йирик билимдонларидан бўлгани учун ҳам залдагиларнинг нигоҳи унда. Давид Вартанович ҳар бир сўзини чертиб-чертиб, бурро гап бошлади:

— Оппонентлар — юқори малакали мутахассислар. Улар, албатта, диссертация ҳимоя қилувчи кишининг ишига ўз баҳоларини беришади. Зеро, у юксак баҳога сазовор.

Мен сизларга жуда қисқа қилиб бундан икки юз-уч юз йил муқаддам ер қуррасида ғўзанинг бир йиллик нави бўлмаганлигини айтиб ўтмоқчиман. Вилтга чидамли ғўза навлари эволюция жараёнида бу хусусиятини йўқотди. Шуни ҳам айтишим керакки, Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институтида кўпчилик илмий ходимларимиз билан 20 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида ғўзанинг икки мингдан кўпроқ бир йилликнавини ўрганиб, улар ичида вилтга чидамлиги йўқ, деган хулосага келдик.

Ниҳоят, ўртоқ Содиқ Мирахмедов ғўзанинг госсипиум турига мансуб ёввойи мексиканум ғўзада вилтга чидамлилик хусусиятни борлигини исботлади, уни маданий навлар билан чатиштириб, вилтга чидамли янги навлар яратиш мумкин эканлигини биринчи мартаба аниқлади. Мен шуни айтишим лозимки, эндиликда селекцияда янги саҳифа очилди...

Сизларга яна бир «сир»ни айтаман: бундан беш йил муқаддам америкалик Вилямс ғўзанинг ёввойи мексиканум нави уруғидан юборишни сўраб мурожаат қилган эди. Мен уруғ билан бирга Содиқ Мирахмедов ишининг нусхасини ҳам юбордим. Вилямс ўша уруғларни олиб, калифорниялик Вильгельмга бериби. Мен уруғларнинг тақдири билан, ўзини қандай тутаётганлиги билан қизиқдим. Улар ниҳоятда лол қолишди.

Вильгельм менга ёзган хатида мексиканум вилтга чидамли эканлигига иқрор бўлган эди. "Ўзингиз кўриб турибсизки, диссертант ёввойи мексиканум ғўзасини маданий навлар билан чатиштириб, олинган вилтга чидамли дурагайларни яна қайтадан навлар билан чатиштириш йўли орқали вилтга бардошли, эртапишар, серҳосил навлар яратиш мумкинлигини исботлади.

Олимнинг илмий ишининг иккинчи яна бир муҳим томони шундаки, ғўзанинг 35 туридан 34 таси ёввойи эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ёввойи ғўзаларда вилтга чидамлиликдан ташқари бирқанча касалликларга ва зараркунандаларга чидамлилик хусусияти мавжудлигини айтиб ўтмоқчиман.

Ҳаммангиз ғўза зараркунандаларига қарши неча-неча минг тонна заҳарли химикатлар сарфланишини жуда яхши биласиз. Содиқ Мирахмедовнинг ишн ёввойи турлардан бемалол фойдаланиш имконияти борлигини тасдиқлайди. **У бундан бир неча йил аввал тажриба бошлаганида ёввойи мексиканум ғўзаси кўсагининг оғирлиги атиги бир граммга яқин эди. Буларни мен нима учун гапиряпман? Чунки олим 5-6 йил мобайнида маданий навлар билан ёввойи мексиканум ғўзани чатиштириб янги нав яратиш мумкинлигини ҳам амалий, ҳам назарий исботлаб берди...**

Биз керакли юкнинг оғирлиги йўқ, деган мулоҳазага бориб, Содиқ Мирахмедовнинг докторлик диссертациясига илмий консультантлик қилган биология фанлари доктори, профессор Д. В. Тер-Аванесяннинг шу йил 1 март куни Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг илмий Советида айтган фикрини келтирдик.

Унинг фикри ва баҳоси одилона ва холис. Айни вақтда мазкур ихтиронинг иқтисодий, илмий, амалий ва жаҳон аҳамиятини рўй-рост ифодалаган. Аслида ҳам Содиқ Мирахмедов деҳқон кутган навлар яратди.

Айтишларича, дарахтдан ерга тушган олманн кўрган Исаак Ньютон, нега у осмонга чиқиб кетмай, ерга тушди, деган муаммони ўйлайверибди, охири бутун олам тортилиш қонунини қашф этган. Шунга ўхшаб, Содиқ Мирахмедов ҳам вилт жумбоғи устида тунғ-кун бош қотириб, бир эмас, учта «Тошкент» номи билан пахтакорга тақдим қилинган ғўза навларини яратди. Бу навлар жаҳон селекцияси ва пахтачилиги тарихида вилтга чидамли, серҳосил, эртапишар биринчи навлар бўлганлиги учун ҳам жуда катта илмий ва иқтисодий аҳамиятга моликдир. Шунинг учун Содиқ Мирахмедов «тилла» пахта ижодкори Юрий Петрович Хуторной — пахта селекцияси ва уруғчилигининг қўш чинорлари мамлакатимизнинг энг олий мукофотларидан бирига муносиб кўрилди.

Поезд Андижонга яқинлашмоқда. Ўрта бўйли, буғдой ранг, пайваста қошли йигит қорнини чангаллаб қолди. Ранги докадай оқарган. Ҳамроҳлари уни шифохонага олиб келишганда аҳволи анча оғир эди. Ичак ёрилибди. Касаллик аниқланди: — кўричак. Зудлик билан бошланган операция анча оғир кўчди. ва узоқ давом этди. Йигирма кун тўшакда ётди. Институтга телеграмма юборди. Уйдагиларга хабар беришди. «Кўричак енгил дард-ку» деб Тошкентдан йўқлаб борувчи бўлмади. Чигитни квадрат уялаб экиш бўйича 1955 йили Андижон областига консультант сифатида командировкага юборилган олим сафар муҳлатини қисалхонада ўтаб. Ўсимликлар экспериментал биологияси институтига қайтди.

Яқинда у яна Андижонда бўлди. Шаҳардаги ўша ҳаётбахш бино-шифохона олдидан ўтаркан эти бир жунжикиб тушди. Тўғри, ўзини билган одам оғир касалларини ҳам, қувончли дамларини ҳам унутмайди. Орадан йигирма йилга яқин фурсат ўтишига қарамай ўша воқеа эсига тушди. Шаҳарга сигмай қолди. Колхозга йўл олди. Тўғрь «Тошкент» нави экилган пайкалга борди. Пахта дегани бодроқдек очилган. Ҳосил зўр. Узоқдан терим машинасининг овози эшитилади. Содиқжон пайкал оралаш. ҳосилни чўғлаш билан овора. Қаршисида турган отахон: «Ҳорманг, ўғлим! Тинчликми?» демаганида, у пахтазордан қачон чиқишини айтиш қийин эди.

— Тинчлик, тинчлик, отахон, — деди салом — аликдан сўнг олим.

— Пахтани кўрсам туролмайман, отахон. Шунинг учун ҳатто сизни кўрмай пайкал оралаб кетибман, узр, — деди ийманиб.

— Ҳечқиси йўқ, ўғлим. Ўзбекнинг тангдайини пахта билан кўтарган-да, — деб отахон гапни давом эттирди.

— Сирасини айтсам, ўғлим, кейинги йиллар пахта йили бўляпти. «Тошкент»и зўр экан. Жонимиз кириб қолди План юз фоиздан ошириб бажариляпти. Қани энди шу навни топган олимни учратсам дейман. Зўр экан. Ўзига ҳам, отасига ҳам, пахта ҳақида тинмай қайгураётган партиямизга ҳам, давлатимизга ҳам минг раҳмат!

Содиқжон ниҳоятда ўнгайсиз аҳволда қолиб, нима дейишини билмади...

Республикамиз областлари алмашлаб экишни тўла-тўкис жорий қилишлари учун янги навлар муҳим резерв бўлиб хизмат қила олади. Чунки, илғор хўжаликларда бу навлардан гектаридан 50 центнерга етказиб ҳосил олинмоқда. Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози раиси Юсуф Толипов барча пахтакорларнинг дилидаги гапни айтган:

— **Аввалари биз ҳар гектардан 25 центнер ҳосил учун курашардик. Энди бемалол 40-50 центнерлик маррани кўзлаверишимумкин. Нега десангиз, «Тошкент» навлари бор.**

«Тошкент» навларининг иқтисодий самараси 1969-1971 йилларда салкам етти миллион сўмни, ўтган йили эса уч юз миллион сўмни ташкил этди. Бундай серҳосилят, қутлуғ қадамли навни на Ватанимиз, на жаҳон пахтачилиги тарихи биладими! **Буни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пахтачиликнинг мустаҳкам моддий-техника базасини яратиш, фан ютуқларидан ишлаб чиқаришда фойдаланиш борасида собитқадамлик билан олиб бораётган ташкилотчилик фаолиятининг жуда катта самараси деб тушунмоқ керак.**

Толасини чигитдан ажратиб, кафтимизга қўямиз. Ингичка. Майин... Қўёшнинг заррин нурларида олтиндек йилт-йилт товланади. Борди-ю, қилт этган шабада эсса ёки иссиқ нафасингиз тегса, ҳавога енгилгина кўтарилади.

«Тилла пахта...» Бободеҳқонларимиз тез пишар, серҳосил, вилтга чидамли ингичка толали навни яратишда чинакам ижодкорлик ва ўз ишига садоқат намунасини кўрсатди, — деди Тошкентдаги ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтининг директори Ш. Иброҳимов. — Юрий Петрович қирқ саккизинчи йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг тугатиб бизнинг илмий муассасага ишга келган эди.

— Чиндан ҳам сиз селекция билан шуғулланишга қизиқасизми? — деб сўраган эди ўшанда Анатолий Иванович.

— Худди шундай, профессор...

Ингичка толали ғўзани тадқиқ этиш лабораторияси ёш илмий ходимнинг ҳақиқий ижод ва ихтиро хонаси бўлиб қолган эди. Бу ердан йиллар ўтган сари янгидан-янги навлар ишлаб чиқариш сари парвоз қила бошлади. Устоз ва шогирд ҳамкорлигида «С-6002» янги нави яратилди.

«Инсон боласи бугунги эришгани билан эртага қониқаниб қолмаслиги керак!.» Анатолий Ивановичнинг бу ўгитлари шогирд учун ижод ва изланиш шиорига айланган эди.

Пахтачилик илми ва амалиёти олдида вилт муаммосини ҳал этишдек муҳим вазифа турарди. Юрий Петрович ҳам ғўзанинг янги навларини яратишда бу масалага алоҳида диққат билан қаради.

Селекционер чатиштириш учун ишни навларни танлашдан бошлади. Ўша кезларда перу ғўза навларининг кўплаб «авлод»лари пайдо бўлган эди. Улар ичидан энг яхшиларн танланиб, чатиштиришга киришилди. Яна изланиш — яна танлаш, яна чатиштириш... Лаборатория анализлари, турли хулосалар тўпланди. Ниҳоят, тажриба учун «С-6015» ва «С-6022» танлаб олинди. Одатда кузда ҳосил кўтарилади. Синовтажрибада ишлари натижаси чакки бўлмади: серҳосил, вилтга чидамли. Толаси ҳам сифатли. Саноатбоп «5904-И» навига қараганда 12 процент юқори ҳосил берди.

Дастлабки қувончли натижалардан руҳланган Юрий Петрович «С-6022» ва «С-6015» навларини чатиштириш йўли билан ингичка толали «С-6030» янги навини кашф этди.

Ингичка толали янги «С-6030» нави серҳосил, вилтга чидамли бўлиб чиқди. Ғўзаси шохлаб кетмайди. Олинган маълумотларга кўра, «С-6002» навига нисбатан саккиз-ўн кун, «108-ф»га қараганда эса беш кун аввал етилади.

Бир гектар ерга экилган «С-6030» нави ҳосилидан 12-14 минг метр газлама тўқиш мумкин. Шунча майдондаги оддий пахта ҳосилидан олинадиган газлама миқдори эса 8-8,5 минг метрдан ошмайди. Ингичка тола пахтанинг нархи оддий навларга қараганда икки барвар ортиқ.

— Район партия ташкилотларининг асосий диққат-эътибори тўқимачилик саноати учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган қимматбаҳо ингичка толали пахтани барча чоралар билан кўпайтиришга қаратилган. Бунинг учун вилтга чидамли, серҳосил, тезпишар навларни экиш ва етиштиришга алоҳида эътибор беряпмиз, — деди Жарқўрғон район партия комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Чори Алматов. — «С-6030» навли ингичка толали ғўза уруғи, айниқса, деҳқонларимизга қўл келяпти.

Янги нав Сурхондарё Қашқадарё, Бухоро, Фарғона водийси ва қардош Тожикистон пахтакорларига манзур бўляпти. Агар «С-6030» уруғи 1970 йилда 18,3 минг гектар майдонга экилган бўлса, бугунги кунга келиб у салкам 40 минг гектар майдонни ташкил этади. Моҳир селекционер Юрий Петрович Хуторной яратган бу янги нав экилган районларда ҳосилдорлиги, вилтга чидамлилиги ва иқтисодий самарадорлигини кенг намойиш этмоқда. Тўрақўрғон районидаги «Шарқ юлдузи» колхози «С-6030» нави экилган ҳар гектар майдондан 34 центнердан ошириб ҳосил етиштирмоқда. Вертициллез вилти билан кучли зарарланган Фарғона водийсида янги «С-6030» навидан «108-ф»га нисбатан юқори иқтисодий самара олинаяпти. Бу янги нав ҳам совет пахтачилиги тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди, деб айтиш мумкин.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, селекционер Ю. П. Хуторной «С-6035», «С-6036», «С-6037» сингари янги тез пишар, серҳосил, вилтга чидамли ингичка толали ғўза навларини ҳам яратди. Яқин йиллар ичида улар ҳам ишлаб чиқариш сари парвоз қилади.

Ажойиб селекционер Ю. П. Хуторной 1958-1959 йиллар мобайнида Бирмада бўлиб, совет пахтакорлари эришган ютуқларини жорий этди.

Юрий Петрович 1965 йилда америкалик селекционер олимларнинг вилтга чидамли навлар устида олиб бораётган ишлари билан танишиш мақсадида Вашингтон, Техас, Калифорнияда бўлди.

У бизга ҳамкасблари билан Калифорнияда қизиқ бир манзарага дуч келиб қолганлигини ҳикоя қилиб берди. Юрий Петрович ўргимчаккана босган пахта майдонига дуч келиб қолиб, фермердан сўради:


— Нега унга қарши кураш олиб бормайсизлар?


— Фойдаси йўқ, — жавоб берибди фермер. — Олинадиган ҳосилдан кўпроқ доллар ҳаражат қилишга тўғри келади.

— Кураш олиб бормасаларинг, ўргимчаккана янаги йилга кўпайиб кетиб, ҳамма ерни мўр-малахдай босиб кетади-ку? — дебди совет селекционери.

— Келаси йилгача ким бору-ким йўқ, — деб жавоб берибди фермер умидсизлик билан қўл силтаб.

Ўз истиқболига ишонч кўзи билан боқувчи бизнинг пахтакорларимиз ва селекционер олимларимиз эса эртанги кун вазифаларини аниқ тасаввур этиб қолмай, уни конкрет ҳал этиш учун астойдил енг шимарганлар. Вилт касаллигини енгиш муаммосини тўла-тўкис ҳал этмагунча курашни тўхтатмайдилар.





Суратларда: С. Мирахмедов, Ю. Хуторной.

Ўткир АБДУАЗИМОВ,
Миршароф МУҲСИМОВ.

4.850 МИНГ ТОННА УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида

1973 йил 7 ноябрга бўлган маълумот

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада бир кунда	Шу жумладан машинада мавсум бошидан
СИРДАРЁ	0,24	121,53	0,05	135,96
АНДИЖОН	0,14	114,52	0,12	136,03
ҒОШКЕНТ	0,15	112,80	0,05	116,00
ҚАШҚАДАРЁ	0,19	112,13	0,29	103,68
СУРХОНДАРЁ	0,29	111,45	0,21	107,68
НАМАНГАН	0,40	108,86	0,14	149,18
САМАРҚАНД	0,41	107,55	0,09	134,33
ФАРҒОНА	0,36	105,92	0,33	120,86
ҚҚ АССР	0,66	105,22	0,33	107,17
ХОРАЗМ	0,38	104,53	0,60	101,54
Бухоро	0,22	86,89	0,44	96,59
РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА:	0,30	108,29	0,22	120,80

	Шу жумладан ингичка толали пахта
Қашқадарё	0,20 99,92
Сурхондарё	0,52 99,37
Бухоро	0,55 41,47
Республика бўйича:	0,45 94,96

Улкан хирмон учун

Республика районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1973 йил 6 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — жами тайёрланган пахта, учинчи устун — шу жумладан машинада терилган пахта.

СИРДАРЁ ОБЛАСТИ

Мирзачўл	134,42	131,75
Янгиер	130,42	132,66
Дўстлик	128,38	128,71
Жиззах	125,68	183,85
Пахтакор	125,45	128,94
Боёвут	121,72	155,82
Ильич	119,06	142,82
Октябрь	118,91	118,32
Оқолтин	118,38	118,93
Ворошилов	117,87	157,56
Сирдарё	113,97	132,60
Гулистон	108,76	144,39

АНДИЖОН ОБЛАСТИ

Ленин	126,32	113,23
Пахтаобод	121,60	153,78
Избоскан	121,07	133,42
Жалолқудуқ	119,96	148,73
Қўргонтепа	118,63	130,91
Хўжаобод	117,23	121,51
Марҳамат	116,77	132,73
Бўз	110,41	166,07
Андижон	108,27	107,72
Балиқчи	104,96	141,92
Москва	102,48	137,67

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

Оҳангарон	123,81	126,34
Юқорн Чирчиқ	113,82	115,81
Бўка	113,52	114,98
Бекобод	113,40	116,56
Пискент	108,90	104,10
Янгиюл	107,53	113,26
Чиноз	107,01	128,54
Урта Чирчиқ	103,66	102,84

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ

Қарши	126,17	219,68
Ғузор	123,35	114,59
Шаҳрисабз	116,98	101,98
Яккабоғ	114,06	110,50
Қамаши	111,52	113,17
Ульянов	111,32	101,63
Китоб	104,45	130,40
Косон	100,97	107,90
Чироқчи	97,03	49,45

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ

Шўрчи	116,26	121,11
Жарқўрғон	113,53	98,39
Сариосиё	112,79	108,25
Шеробод	110,76	101,15
Денов	108,29	109,69
Гагарин	108,15	112,90
Термиз	105,53	80,49

НАМАНГАН ОБЛАСТИ

Чуст	116,12	142,19
Янгиқўрғон	115,12	129,05
Задарё	110,13	112,20
Учқўрғон	108,80	190,30
Поп	108,55	130,89
Норин	108,18	214,80
Тўрақўрғон	106,19	131,10
Уйчи	103,11	158,18
Наманган	97,41	153,10

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ

Пахтачи	119,15	149,79
Пастдарғом	112,75	132,14
Нарпай	112,37	142,84
Иштихон	111,28	168,00
Хатирчи	107,49	136,09
Оқдарё	106,95	139,58
Жомбой	105,36	138,34
Булунгур	105,36	119,20
Самарқанд	104,21	142,20
Каттақўрғон	101,43	123,58
Пайариқ	95,50	100,05
Ғаллаорол	85,95	63,66

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ

Фарғона	117,53	119,39
Киров	115,74	123,06
Ленинград	113,10	119,10
Узбекистон	112,23	109,63
Қува	105,33	131,13
Фрунзе	103,59	134,49
Тошлоқ	103,22	133,38
Охунбобоев	102,86	125,92
Қувасой шаҳри	101,41	91,10
Риштон	99,22	118,67
Олтиариқ	90,02	102,67
Бағдод	89,50	106,08

ҚҚ АССР

Хўжайли	121,90	179,95
Қўнғирот	117,32	107,14
Леннинобод	108,51	117,13
Нукус	107,35	102,17
Шуманай	106,33	93,14
Кегайли	105,76	104,51
Тўрткўл	103,44	103,19
Беруний	103,24	100,74
Чимбой	101,86	106,64
Амударё	96,46	102,09
Тахтакўпир	96,28	86,17

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ

Боғот	110,80	108,39
Янгариқ	107,83	96,68
Қўшкўпир	104,48	96,87
Гурлан	103,30	100,54
Урганч	103,09	101,55
Шовот	101,39	108,42
Хазорасп	100,94	99,04
Хива	99,54	100,06

БУХОРО ОБЛАСТИ

Бухоро шаҳри	115,13	129,00
Вобкент	97,97	125,32
Ромитан	93,89	91,46
Навоий	92,86	97,88
Бухоро	92,30	93,40
Шофиркон	85,07	85,37
Қизилтепа	84,38	98,72
Свердлов	81,83	91,26
Коғон	81,20	92,53
Ғиждувон	79,68	124,36
Қоракўл	76,12	89,94

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР. БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Б. — 264. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Р. 01810.